



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

ЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 15 (20.882) 1991 йил 22 январь, сешанба

Ўзнома йилига 256 марта чиқади.

Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

● Ленин хотираси кунлари. Доҳийнинг инқилобий таълимоти ва меҳнаткашлар манфаати йўлида қилган ишларини, унинг ёрқин хотирасини ҳар қанмасдай ҳужумлардан ҳимоялаш зарур.

● Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги ол-

дидан: Пойтахтимизда ўрнатиладиган шоир ҳайкали қай қўринишда бўлади?

● Вужудга келатган муаммоларни ҳал қилишнинг бирдан-бир мақбул йўли уларни мулоқот асосида, бир-бирини тушуниш ва келишиш асосида ҳал қилишдан иборатдир.

● Республика аҳолисини озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари билан бир маромда таъминлаш, савдо тармоқларидаги суниестемолларнинг олдини олиш шу куннинг долзарб вазифаси эканлигини унутмайлик!

● Киши билмас мўъжизаси билан одамларга қувонч ва рўшнолик улашиб...

● Болтиқбўйи республикаларидаги вазият.

● Жаҳон матбуоти Ироқ — Қувайт можароси ҳақида.

МУХОЛИФЛИК ТЎХТАТИЛСИН

19 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисда Литвадаги ва Форс кўрфазини атрофидаги воқеалар ҳусусида баёнотлар қабул этилди.

Республика Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов билан Ўзбекистон ССР Вице-Президенти Ш. П. Мирсаидов Литвадаги ва Форс кўрфазини атрофидаги воқеалар ҳақида ахборот бердилар.

Муҳомадада СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қатнашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. Ҳозир, мамлакат жуда оғир иқтисодий ва сиёсий тангликни бошдан кечираётган бир пайтда алоҳида ҳар бир шаҳарда, алоҳида ҳар бир республикада оқоинчилик ва миллий иноқлик биринчи даражада аҳамият касб этаётганлиги таъкидланди. Шу сабабли ҳозир вужудга келган мухолифликни тўхтатиш, ҳар бир оқоинчи оқоинчилигини ва хавфсизлигини таъминлаш энг зарур

вазифадир, барча муаммолар музокара йўли билан ҳал этилиши зарур.

Ўзбекистон Президенти мамлакатдаги, айниқса унинг қалтис жойларидаги вазиятга тўхталиб, яраштирувчи ва яраштирувчи комиссиялар тузишни, бу комиссияларнинг таркибига барча погоналардаги депутатлари, фахрийлар, аёллар киритилиши лозимлигини айтди. Мамлакатда сиёсий барқарорликка эришиш кўп жиҳатдан иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал қилишга боғлиқлиги таъкидлаб ўтилди.

(ЎЗАТАГ).



Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ «ИНСОН ВА СИЕСАТ» — «ЧЕЛОВЕК И ПОЛИТИКА» МУҲАРРИЯТИ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали иши, юксак маҳорати, республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки учун Тамара Николаевна Лукьянова — иқтисодий ва сиёсий бўлими муҳарририга «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЙ ХОДИМ» фахрий унвони берилсин ва

Абдуғаффор Туробович Имомназаров — таржимон муҳаррири ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАХРИЙ ЕРЛИГИ билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1991 йил, 21 январь.

● Наманган районидagi «Ленинград» жамоа ҳўжалигининг илгор буюкбоқари Маҳфуза Ҳалимовани кўпчилик танийди. У з касбига меҳр кўйган чорвадор мана 8 йилдирки шу жамоа ҳўжалигида сидқидилдан меҳнат қилаётти. Айни кунларда боқимдаги 60 бош буюқнинг суткалик семирishi 550 граммни ташкил этмоқда. Бунда социалистик мусобака пешқадами М. Ҳалимованинг ҳиссаси натта.

Суратда: чорва кишловини намунали ўтказётган илгор буюкбоқар Маҳфуза Ҳалимова иш ўстида. Т. АКБАРОВ сурати.

Литвадаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг БАЁНОТИ

Литвадаги одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган фожиаки воқеалар кўпмиллатли Ўзбекистон меҳнаткашларини чуқур ҳаяжонга солди ва ташвишлантирмоқда. Биз одамлар ҳалок бўлганлигидан қайғурмоқдамиз, уларнинг қариндошларига ва яқинларига таъзия изҳор этаемиз. Одамлар энг аввало республикада бўй бераётган салбий жараёнлар демократияга қаттиқ зарба беражга, ҳуқуқий давлатимизнинг шаклланишига таъсир этажигидан ташвишланмоқдамиз.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР ҳукумати мамлакатимиз оғир иқтисодий ва сиёсий тангликни бошдан кечираётган, одамларнинг омон-эсонлиги хавф остида қолган ҳозирги кунда ҳар бир шаҳар, ҳар бир вилоят, ҳар бир республикадаги тинчлик ва миллий тотувлик муҳим аҳамият касб этмоқда деб ҳисоблайми. Республика Олий Кенгашининг Раёсати ва ҳукумати учун бугунги кунда ҳар бир оқоинчи оқоинчилигини, хавфсизлигини ва фаровон-

лигини таъминлашдан, аҳолининг озиқ-овқатлар ва барча зарур нарсалар билан таъминлашдан, жиноятчиликка, чайқовчиликка, порахўрликка, яширин иқтисодий нормал ҳаёт кечирishiга ҳалақат бераётган барча нарсаларга қарши курашишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ. Курашаётган кучларнинг қарама-қаршилигини дарҳол тўхтатиш зарур. Барча сиёсий партиялар ва ҳаракатлар жамаият қандай фожиа ёқасида турганини тушуниб олишлари муҳим. Курашувчиларнинг ҳар турли қуролли тузилмаларини қонундан ташқари деб эълон қилиш лозим. Зарур бўлган жойларда оналар, ветеранлар, депутатлар, дин ароблари ва бошқа ҳурматли кишилар иштирокида яраштирувчи ва келиштирувчи комиссиялар тузилиши ва бу комиссиялар зудлик билан ишга киришиши керак.

Бугунги кунда одамлар миллий адоватга йўл қўймаслик, турли миллатларга мансуб фуқаролар ўртасида тинчлик ва тотувлик бўлишини таъминлаш, демократияни, ҳар бир кишининг

шани ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги ўй ва ташвишлар билан яшамогимиз лозим.

Мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтаётган, ҳамма жойда нарх-наво ошаётган, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетаётган бугунги кунда ҳокимият идораларининг, ҳукуматининг, давлат муассасалари, корхоналари, ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — фуқаролар манфаатларини, айниқса, қариялар, болалар, ўқувчилар, кўп болали оналар, ёлғизлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ночор гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва ҳукумати СССР Олий Кенгашига, мамлакат Президенти ва ҳукуматига мурожаат этиб, мамлакатда ва ҳар бир минтақада тинчлик ва

Фақат шу йўл билангина тинчлик ва тотувликка эришиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати Ўзбекистон ССР ҳукумати Тошкент шаҳри, 1991 йил 19 январь.

Форс кўрфазидagi воқеалар муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг БАЁНОТИ

Форс кўрфазидagi инсоният тинч йўл билан ҳал қилиш йўлидан ҳамма уринишлар муваффақиятсизликка учрагани, Ироқ раҳбарлари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини ва бутун жаҳон жамоатчилигининг Ироқ қўшинларини Қувайдан олиб чиқиб кетиши талабини бажартиришдан бош тортганлиги Форс кўрфазида уруш чиқishiга олиб келди. Кескин халқаро инсоният тинч йўл билан ҳал этиб бўлмайдиган, Совет ҳукуматининг урушининг олдини олиш, Қувайтнинг мустақиллигини сиёсий воқеалар билан тинлаш учун сарфлаган куч-ғайратлари

ҳозирги кунда ижобий натижалар бермади. Форс кўрфазида бўй берган воқеалардан Ўзбекистон халқи ларзага келди. Масалан, ҳарбий йўл билан ҳал этиш — аввало минг-миглаб одамларнинг ҳалок бўлиши, шаҳарлар, ноёб маданият ва тарихий марказларнинг, араб ва мусулмон Шарқи маданияти ёдгорликларининг вайрон қилиниши, экологиянинг ҳалокатли тарзда бузилиши, халқлар ва миллатларнинг ўзаро кучи раши, уруш бораётган жойдаги ва қўшни минтақалардаги одамларнинг ҳаёти учун фалокатли ва ахтирмоқ тусида бўлмайдиган оқибатларнинг келиб чиқishi де-

макдир. Форс кўрфазидagi можаро АҚШ ва унинг иттифоқдорларининг кучи ва ҳарбий устуңлигини намойиш қилишга, халқлар ва давлатларнинг манфаатлари ва келажакини, миллатларнинг кадр-қимматини менсимасликка айланиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Қон тўкишлар ва ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилсин, можаронинг донраси чеклаб қўйилсин, инсониятнинг бугунги кунини ва келажак учун бу минтақада сиёсий

воситалар ёрдамида тинчлик ва умумий тотувликка эришилсин — Ўзбекистон халқининг қатъий талаби ана шундай. Биз уруш машаққатларини бошдан кечираётган Ироқ ва Қувайт халқларига хайрихоҳлик изҳор қилиб, мамлакат Олий Совети ва Президентини бу минтақада тезроқ тинчлик ва ҳамкорликка эришиш учун СССРнинг обу-эйтибори ва таъсиридан янада фаолроқ фойдаланишга чақирамиз.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати Ўзбекистон ССР ҳукумати Тошкент шаҳри, 1991 йил 19 январь.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ҚўМИТАЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Тошкент вилоят партия қўмитасининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини рўйбга чиқаришда вилоят бошланғич партия ташкилотларининг мавқеи таъкидлангани масалани муҳокама қилди.

Тошкент вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов ушбу масала юзасидан нутқ сўзлади. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. В. Г. Гринчук бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси вазифаларидан озод

қилинди. Тошкент вилоят партия қўмитасининг котиби бўлиб ишлаган Ш. Н. Маҳмудова вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон ССР Вице-Президенти Ш. П. Мирсаидов нутқ сўзлади.

кат дастури муҳокама қилинди. Вилоят партия қўмитаси аъзосининг мақоми тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Пленумда Самарқанд вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби П. М. Абдурахмонов нутқ сўзлади.

ЛАТВИЯ. ТУНГИ ОТИШМА МОСКВА, 21 январь. (ТАСС). Латвиялик журналистнинг Бутуниттифоқ радиоси орқали эшиттирилган хабариди айтилишича, Ригада бўлиб ўтган туниги отишма натижасида беш киши ҳалок бўлган ва ўн киши яраланган. Улар орасида финляндиялик тележурналист ҳамда «Воглед» совет телепрограммасининг кино

оператори бор. Хабарда Латвия ҳукумати сўнги воқеалар тўғрисида СССР ички ишлар вазири Борис Пуго билан СССР мудофаа вазири Дмитрий Язовга маълумот берганили ҳам айтилган. ЭСТОНИЯ. ТЕРГОВ ОЛИБ БОРИЛАПТИ ТАЛЛИН, 21 январь. (ТАСС) мухбири А. Малюверьян). Бугун туғини соат 2

ларда Таллинда икки марта портлаш овози эшитилди. Портлашларнинг бири меҳнат жамоалари бирлашган кенгашининг ижроия комитети жойлашган бино олдига, иккинчиси эса иш ташлаш комитети жойлашган заводда юз берди. Бинолар шишастанди. Қурбонлар йўқ. Республика ички ишлар идоралари тергов олиб борапти

(ЎЗАТАГ), (ТАСС).

Муштарий билан суҳбат

- Ҳар бир даврга ҳаққоний баҳо берайлик.
- В. И. Ленин таълимоти сохталаштириш ярамайд.
- Доҳий хотирасини хуружлардан ҳимоя қилайлик.

Бу юк мақсадларни кўзлаб бошланган қайта қуришмиз жараёнида жамиятимизнинг ўтмиши ва ҳозирги кунининг чуқур таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилди. 70 йилдан ортиқ давр ичида босиб ўтган йўлимиз осон кечмади. Инкор этиб бўлмайдиган ютуқ ва галабалар билан бирга жиддий камчилик ва қўпол хатолар, чекиниш ва муваффақиятсизликлар ҳам бўлганлиги аниқлиқда шир эмас. Мисли кўрилмаган ошкоралик Zufайли ўтмишига ҳолис баҳо бериш, тарихимиздаги «оқ доғлар»ни тугатиш мумкин бўлди.

Бу туғилган кунда биз Совет Иттифоқида «социализмнинг тўла ва уйл-жесил галаба қозонганлиги», «ривожланган социалистик жамият қурилганлиги», «коммунизмнинг моддий-техника базаси бунёд этилаётганлиги» тўғрисидаги даъволар қуруқ гап эканлигини билмадик.

Қилинган ишларга, йўл қўйилган камчилик ва мажбур ҳужумларга ҳаққоний баҳо бериш, жамиятимизнинг ҳозирги тағ аҳволдан теэроқ чиқариб олиш — истиёқлимизни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқта назардан олганда ҳар қандай танқидий таҳлилнинг қўлаб-қувватлаш лозим.

Аммо камчиликларнинг тағид қилиш баҳосида Октябрьдан кейинги тарихимизнинг бутунлай инкор этиш ва қоралаш, босиб ўтган йўлимизни нукул хатолардан иборат, деб даъво этиш, 1917 йил Октябрьда танланган таркиёт йўлини, социалистик надириятларимизни ёмонлаш каби хатти-ҳаракатлар ҳам пайдо бўлди.

Шу фондадаги муҳолифларимиз орасида шундай тарихчи ва иқтисодчи олимлар, жаурчилар, публицист ва журналистлар ҳам борки, улар ўтмишимизда йўл қўйилган хато ва камчиликларда марксизм-ленинча таълимоти, айниқса мамлакатимизда унинг татбиқ этиш учун

лар эди-да». Дарвоқе, Россиянинг Фарбий Европа давлатларидан иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча орқада эканлигини яхши билган В. И. Ленин империалистик босқичга кўчган мамлакатимизда социалистик инқилоб галабаси учун зарур бўлган шарт-шароитлар (моддий замиа, инқилобий кучлар, сиёсий раҳбар, кулай ташқи муҳит) ва ички индидиятларнинг ниҳоят даражада кучайганлигини асослаб берган эди. Бунинг устига Владимир Ильич Россияда социалистик инқилоб биринчи бўлиб галаба қозонган тақдирда, у жаҳон пролетар инқилобига туртки бўлади, деб ишонган эди. Ғарб мамлакатлари ўз навбатида Россия меҳнатқашларига кўмакдош бўлишга унинг умми-

ИЛСОНИЙ БУРҶИМИЗ

да ҳукумат тузиш масаласи Ленин олдида сира турган эдими? деган саволга янагина фикрлаш тарзи демократияга эга бўлганлар билан иттифоқ тузишнинг ҳаттоки имкониятига эга бўлишга йўл қўймас эди», деб жавоб қилди.

Большевикларнинг Октябрьни тан олган «сўл эсерлар» партияси билан сиёсий иттифоқ тузганликларини ва ана шу асосда В. И. Ленин бошчилигидаги Халқ Комиссарлари Кенгаши таркибига ушбу партиянинг намонданлаб кирганлигини тарихдан озми-кўпми хабари борлар билан кўпми хабари Ю. Ю. Афанасьев Октябрь инқилобининг тарихида беш тортган, унинг душманлари томонига ўтган менъевниклар ва Ғн-

Сталин ҳоқимият тепасига келганда сўнг мамлакатда ҳуҷм сурган социалистик қонунчилигини поймол қилиш, оммавий қатагон ва демократияга эид тартибларнинг ўрнатилишига В. И. Лениннинг қаршиликларини келтириш, инсоннинг қадр-қимматини поймол этиш ва демократиянинг қўпол равишда бузиш учун Ленин эмас, бутун партия эмас, балки Сталин ва унинг шериклари жавобгардирлар.

Афсуски, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатувчиларнинг уришиллари исзис қолаётгани йўқ. Уларнинг таърихнинг таълимоти ва фаолиятига салбий қарашлар тарқалмоқда, унинг шанига, ноҳури ишлар қилинмоқда. Шарқий Европа мамлакатларидан бўлиб кўрсатувчиларнинг уришиллари исзис қолаётгани йўқ. Уларнинг таърихнинг таълимоти ва фаолиятига салбий қарашлар тарқалмоқда, унинг шанига, ноҳури ишлар қилинмоқда.

Бас, шундай экан, В. И. Лениннинг инқилобий таълимоти ва меҳнатқашлар манфаати йўлида қилган ишларини, унинг ёрқин хотирасини ҳар қандай ҳужумлардан ҳимоялаш зарурдир. Бу иш ҳар бир коммунистнинг, қолаверса ҳар бир маданиятнинг инсоний бурчимиздир.

Собир ҚУРБОНОВ, тарих фанлари номзоди.

ҲАЁТ ТУЗАТИШ КИРИТМОҚДА

Ҳаёт КПСС Марказий Комитети Котибияти навбатдаги мажлисининг кун тартибига тузатишлар киритди. Болтибўйин республикаларидаги таҳлиқли воқеалар, шу воқеалар хусусида мамлакат ичкари ва ташқарида билдирилган фикр-мулоҳазалар, КПСС Марказий Комитетининг нуқтаи назари, бу нуқтаи назарни бошланғич ташкилотларга, совет жамоатчилигига рўй-роқ етказиб бериш зарурати қилиб масалалар муҳокама қилинди. Баъзи сиёсий кучлар ва улар раҳбарларининг Ўзбекистондаги коммунистлар қўвғини қилишга киришиш, меҳнатқашларнинг сиёсий иш ташлашларини келтириб чиқариш йўлидаги уришиллари баҳо берилди.

Нотиқлар Қўзбасдаги вазиётни таърифлаб, КПСС Марказий Комитетининг бўлимларида, маҳаллий партия комитетларида кўмир қазиб чиқарувчи регионлар билан доимий алоқа боғлаб туриш, бевосита меҳнат жамоаларида жонли иш олиб бориш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Иқтисодиётнинг бундан буён ҳам вайрон қилиш мамлакат учун, бутун меҳнат аҳли, шу жумладан шахтёрлар учун ҳалокатли эканлиги ҳар бир кишига равшан бўлиши керак. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларининг зиммасига ҳам алоҳида масъулият тушади, одамлар бу воситалардан тўғри ахборотни ва соғлом, сиёсий вазиён ёндашуви кутмоқдалар.

Режалаштирилган масалалар ҳам кўриб чиқилди. Шу масалалардан биринчиси — «Иттифоқ республикалари — Компартияларнинг 1991 йилги бюджетни ҳақидаги масала юзасидан мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Ишлар бошқарувчиси Н. Е. Кручинанинг ахборотини тингладилар. Ахборотда ҳам, шундан кейин бўлиб ўтган фикрлашуларда ҳам бюджетни шакллантиришдаги катта қийинчиликларга эътибор қаратилди. Харажатларни қисқартирши соҳасидаги қаттиқ чора-тадбирларга қарамай, кўп йиллар мобайнида биринчи марта харажатлар даромадлардан анча ошиб кетди. Камомадни қоплаш учун КПССнинг эҳтиёт жамғармаси бир қисмдан фойдаланилади. Чунки, бошланғич ташкилотларни пул билан таъминлашгагина 100 миллион сўм ажратилди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенни республикаларда ҳам шундай муҳокама ўтказиш учун асос борлигини, чунки барча республика ташкилотлари бу йил дотацияга тушиб қолганликларини таъкидлади. Котибият аъзоси В. А. Гайворонский аъзолик бадалларини тўлаш иттизомига кўпроқ эътибор беришни, партия ташкилотларига тегишли хат билан мувожабат этишни тақлиф қилди. Унинг фикрича, ҳозирги вақтда ҳамма жойда ҳам коммунистлар партия хазинасига ўзлари бераётган иш ҳақининг 2 фоизи аниқ-равшан нималарга сарфланётганини биллаётганлари йўқ. Жоьларда аъзолик бадаллари очидан-очик исроф қилина-

КПСС Марказий Комитетининг матбуот маркази.

КПСС Марказий Комитетининг матбуот маркази.

СССР МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДА

СССР Молия вазириги билан СССР Давлат банки шуни маълум қилдиларки, 1947—1956 йилларда чиқарилган СССР халқ ҳужали-

гени ривожлантириш давлат таълимлари облигацияларининг ҳақи СССР жағмарга банкнинг муассасалари томонидан 1991 йил 15 декабрга туланади.



«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси механика-йғув цехининг ишчилари Е. Егоров (чапда) ва А. Лавренов тайёрлаган маҳсулотлар сифати билан алоҳида ажралиб туради.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

Ақл-идроқ билан иш юртайлик

меҳнат қилишда. Шундагина оқимизда кут-баранга киради.

Мамлакатда тартиб-интизомни тиклаш, тинчлик, миллатлар ўртасида тотувликка эришиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз бўлиши зарур.

Ахир беш аср муталдам

СССР Олий Кенгашининг қарори

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ХУСУСИДА СССР РЕФЕРЕНДУМИ ЎТҚАЗИЛИШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

СССР Иттифоқи тағдир учун тарихий масъулиятни халқдан бошқа ҳеч ким ўз зиммасига ололмастлигига амал қилиб, СССР халқ депутатлари тўртинчи съездининг қарорларини бажариб ва СССР референдуми тўғрисидаги қонунга мувофиқ СССР Олий Кенгаши қарор қилди:

1. СССРнинг бутун ҳудудида 1991 йил яншидан кунги, 17 мартда тенг ҳуқуқли жумҳуриятлар федерацияси сифатида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала хусусида СССР референдуми ўтказилсин.
2. Ишнинг овоз бериш учун референдумга қўйиладиган масаланинг қўйилдиғи инфоабилан овоз беришчилар жавабдорлигини нусхалари ахборотоманга киритилсин.
3. «Тенг ҳуқуқли мустиқлик республикаларининг янгилашган ҳамда ҳар қандай миллатта мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада нафолат бериладиган федерацияли сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсиз».
4. «Х» ёки «Й».
5. Ҳар бир жумҳуриятда алоҳида овоз бериш акупларини ҳисобга олиб, умуман ССР Иттифоқидаги овоз бериш натижалари аниқлашсин.
6. «Умумхалқ овоз бериши»
7. Республикалар давлат ҳокимиятининг олий органлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия ва идора органлари СССР референдуми тўғрисидаги Қонуни қатъиян мувофиқ тарзда референдумга киритилмаган масала юзасидан фуқароларнинг эриши хоҳиш билдиришга нафолати таъминлансинлар. Фуқароларга улар референдумда қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишга тўқтинлик қилувчи ҳар қандай ҳуқуққа эид таъбир ибтисоти эҳтимолини истисно этишлар.
8. Республикалар давлат ҳокимиятининг олий органлари, СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси ва СССР Ички ишлар вазириги ҳарбий қисмларда СССР референдуми ўтказилишини ташкил этсинлар.
9. Республикалар давлат ҳокимияти олий идораларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига СССР фуқароларининг тенг ҳуқуқлиги конституциявий қондасига амал қилиб, овоз беришчиларнинг миллий вакилликни ҳисобга олиб, СССР референдуми тегишли комиссияларини тузиши таъминлаш таъсис этилсин.
10. «Умумхалқ овоз бериши» (СССР референдуми) тўғрисидаги СССР Қонунининг 29-моддасига мувофиқ СССР референдуми йўл билан қабул қилинган қарор уйл-жесил қарор бўлиб, СССРнинг бутун ҳудудида мажбурий кунга эга бўлади ва фақат СССР янги референдумини ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.
11. СССР Олий Кенгашининг қарори А. Лукьянов, Москва, Кремль, 1991 йил 16 январь.

СССР Вазирлар Кенгашида

СССР Вазирлар Кенгашининг қарори билан 1991 йил 1 январдан хизмат (йигинни) ўташ даврида ҳалок бўлиш (вафот этиш), жараҳатланиш (контузия), касалланиш ҳождлари учун ҳарбий хизматчиларнинг ва ҳарбий хизматни ўташи лозим бўлган кишиларнинг, ички ишлар органлари оддий аскарлари ва бошлиқлар составидаги шахсларнинг давлат мажбурий шахсий сугуртаси жорий этилади.

Сугурта Иттифоқ бюджетдан СССР Мудофаа вазириги, СССР Ички ишлар вазириги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети, СССР Транспорт қурилиши вазириги (темир йўл қурилишини сақлаб туриш учун) ажратилган маблағ, шунингдек, тасаруфидан ҳарбий бўлимлар бўлган бошқа вазирилар, маҳкамалар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Белгилан қўйилдики, давлат сугурта идоралари сугурта пулларини сугурта қилдирган шахс хизмат (йигинни) даврида ёки хизматини (йигинни) ўташ даврида ярадор бўлиш (контузия бўлиш), касалланиш оқибатида хизматдан (йигиндан) бўшатиладиган сўнг бир йил ичда ҳалок бўлган (вафот этган) тақдирда унинг меросхўрларига (мерос олиш ҳуқуқини тўғрисидаги гувоҳномаини тақдим этса) 25 минг сўм тўлайди.

Сугурта қилдирилган шахс хизмат (йигинни) ўташи билан боғлиқ ҳолда хизматдан бўшатиладиган сўнг бир йил ичда ноғиронлиги аниқланган тақдирда биринчи гуруҳ ноғиронига 15 минг сўм, иккинчи гуруҳ ноғиронига 10 минг сўм, учинчи гуруҳ ноғиронига 5 минг сўм тўланади.

Сугурта қилдирилган шахс хизматини (йигинни) ўташ даврида оғир ярадор бўлса унга бир минг сўм, енгил ярадор бўлса — 500 сўм тўланади. Муқддат хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчи, ҳарбий хизматни ўташга мажбур бўлган шахс йигинни ўташ вақтида саломатлиги туфайли хизматини (йигинни) ўташга бундан буён яроқсиз деб топилган тақдирда унга бир минг сўм тўланади.

Сугурта пулини тўлаш чоғида илгари тўланган пул чегириб ташланади. Бунда сугуртанинг мажбури турму буйича сугурта пули сугуртанинг бошқа турларига доир тўловлардан ва етказилган зарарини қоплаш тарзидаги тўловлардан қатъи назар, тўланаверади.

Қарор ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматни ўташи лозим бўлган шахсларнинг, ички ишлар органларидаги оддий аскарлар ва бошлиқлар составидаги шахсларнинг иктомий жиҳатдан ҳимоя қилинишини куцайтириш мақсадида қабул қилинди.

СССР Вазирлар Кенгаши шартини оғир ва ноқулай жойларда хизматни ўтаётган ички ишлар органларидаги оддий аскарлар ва бошлиқлар составидаги шахслар отпускарини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

СССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 6 апрелда қабул қилган «СССР Мудофаа вазириги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети ва СССР Ички ишлар вазириги ҳарбий хизматчиларининг СССРдаги иқлим шартини оғир ва ноқулай жойларда ҳамда вақтинча чет элда жойлаштирилган совет қўшинларидаги хизматчи ҳақида»ги қарори билан СССР-

инкор қилинган

ДЕПУТАТ ХИСОБОТ БЕРАДИ

Яқинда Ботаника институтида СССР халқ ноиб, Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофотининг соҳиби Абдулла Орипов билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда кўпинча илмгоҳларнинг олимлари ҳам иштирок этдилар. Кечани Ботаника институтининг директори, биология факультети доктори Уктам Пратов бошқарди.

СССР халқ ноиб олимлар дилида туген урган ўнлаб саволларга жавоб берди. Утган бир йиллик ноиблик фаолиятида қандай ишларни амалга оширганлиги хусусида ҳисобот ҳам берди. СССР халқ ноибларининг Москвада бўлиб ўтган тўртинчи қурултойида кўрилган муҳим масалалар ҳақида тўхтади. Республикамининг хом ашё базасига айланб, халқининг камбағаллиги қолганини ва ниҳоят бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ва ё оғирлашадими, бу ҳолатларни ҳам Абдулла Орипов таҳлил этди.

Учрашувдан кейин Қаҳҳор ҲОЖИМАТОВ, Ботаника институтининг етакчи илмий ходими, биология факультети номзоди бизга шундай деди:

— Ҳамманнинг ҳам ўзига яраша ташвиш бўлади. Инсон учун энг катта муаммо уй-жой масаласидир. Тўққиз жон уч хонали уйда турмасди. Янги қишлоқ кетди. Бормиған жойим қолмади. Охири СССР халқ ноиб Абдулла Ориповга мурожаат қилдик. Ингирма йиллик ташвишларим осон ҳал бўлди.

Куйбишев тумани яқинида қўмитаси уй билан ташмишлагга қарор чиқариб берди.

Х. ҲАБИВУЛЛАЕВ.

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Тошкентда шу йил май ойида ўтказилган «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг иш билан таъминланганлиги: муаммолар ва истиқболлар» регионал илмий-амалий конференцияга тайёргарлик ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР «Билим» жамаиятининг республика фан-техника тарғиботи уйи билан СССР Давлат меҳнат комитетига қарашли меҳнат илмий-тадқиқот илмгоҳининг Ўзбекистон бўлими бу учрашувнинг ташкилотчилари бўлишди.

Мажлисда Ленин номи Тошкент давлат дорилфунунининг олимлари, республика иқтисодий жамаиятининг мутахассислари, етакчи иқтисодчилар қатнашди. Бозор шароитида аҳолини иш билан таъминлаш истиқболлари ва муаммолари билан боғлиқ кўлаб масалалар муҳокама қилинди.

Ташкилот комитетининг аъзолари тайёргарлик даврида манфаатдор ташкилотлар ва идоралар айтилган мавзулар хусусидаги ўз тақлифларини юбордилар. Конференция натижада фаол иштирок этдилар, деб умид билдиришди. Конференцияга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан 44-57-44 рақамли телефон орқали мурожаат қилиш керак.

(ЎзТАГ мухбири).

- Уммон соҳилида
- Тош ҳам дош бермайди
- Юза ажинлар йўқолганда

Дунёнинг ишлари қизиқ. Кейинги пайтларда учар янқочлар, ўзга сайёрадан келган меҳмонларнинг ажаб-тоғув нафислари ҳақида гап-сузлар қўлайиб кетди. Ишонил қийин, ишонмасанг ўйга «меҳмонлару», уларнинг таъсирида юрган кишилар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда халқ хўжалигида фойдали ишлар қилиш мумкин, деган фикрлар ҳам бор. Қизилги шундаки, бутунги кунда Иттифок, хусусан жумҳуриятимизда ўзларининг уюшган ташкилотларига эга бўлиб турган ғайритабиий қобилият эгаларининг аксарияти маълум даражада ўзга сайёра меҳмонлари билан мулоқотда бўлишган ёки уларнинг таъсир майдонидан ўтишган. Бониси, экстрасенслар билан ўзга сўхбатда ана шу нарса аён бўлмоқда. Балки, бу учар лиқолчаларни бошқаратганлар беозор бўлиб, ўзлари «ярақаган» одамларга ажиб қувват нийом этишлягандир.

Умуман, ўта кучли қобилият эгаси Анатолий Кашиповский ўзининг мўъжизавий қудрати билан одамларни ром этганидан бери, ғайритабиий имкониятли кишиларга мурожаат этиш, айниқса оммавийлашди. Тўғри, турли дардлардан фориғ бўлиш учун даволоччи нажоткорга кўпроқ илхос қўйиш ва ишонил керак, деган гаплар бор. Балки, шундайди. Зеро, бутунги кунда жонли ва онгли мавжудотлар қатори жонсиз ва ҳиссиз нарсаларга таъсир ўтказиш катта самаралар бераётгани ҳақида нима дейиш мумкин. Айтилди, жумҳуриятимиз экстрасенсларни қизитга бир нигоҳ ташлаб, уни барвақт униси ва серҳосил бўлишига эришмоқдалар.

Баъзилари эса даҳага кирган ипақ куртини «ухлатиб» тут барги келтирилгач уйғотиши сифатли маҳсулот олишда муҳим аҳамият касб этаётгани маълум бўлди. Яна бошқаси эса камқувват бузоқчаларнинг бир қанчасига куч бағишлаб, кунига 200—300 граммга ортиқча тош босишга эришган. Бундай мисоллари кўлаб келтириш мумкин.

Виз ҳилоқ қилмоқчи бўлган аёл ҳам ўзи билмаган ҳолда ана шундай қобилият эгасига айланган. Айтишадик, ғайритабиий қобилият

да бўлишимиз хотирамда муҳрланиб қолган. Жануб ҳудудининг порлаб туриши, Хинд уммонининг оқиста чайқалиши, лонжувар кенглик, атрофининг ян-яшиллиги, бу ерда асосан йоглар ва сеҳрли одамларнинг қўлиги кишида алланеҳук руҳияти юзага келган. Ана шу уммон соҳилидан ўзоқлашганим сари ўзимда ноҳуш кайфият пайдо бўлаётганини ҳис эта бошладим. Кейин бил-

ди Дилбархондан сизиб чиқайтган шифобахш қувватлар бўқоқи тузатишга, наздалан фориғ бўлишга имкон бермоқда. Қулоқ оқишлар, куйган терилар тез тусалмоқда. Айниқса, аёлларнинг орасталиги учун малҳам-сурмаларига Дилбархон нафисларидан ўтган қувватлар юзадаги ажинларнинг йўқолишига омили бўлаётгани ҳам мўъжиза. Шунинг учун бўлса керак, тақлифлар китоби одамларнинг эҳтиром ва эътироф тўла сўзлари билан бойиб бормоқда.

Ибодулло ҒАЙБУЛЛАЕВ — Бухоро вилояти, Кармана шаҳри «Хотиним Ўғил» ва «Фараздиларим» Азия-жон. Суннатулло билан даволашга келди. Ўзининг бошим оғирди. Бўйимни буролмасдим. Овқат яхши ҳазм бўлмасди. Дилбархон билан уч марта мулоқотдан кейин бош оғриғи қолиб, ҳаракатларим енгиллашди. Иш-таҳам яхшиланди. Онда аъзоларим ҳам турли касалликлардан тусалди. Биз шифокорга тексиз миннатдорчилик билдирамиз».

Евгения ва Константин ҒАЛОЧКИНлар — Самарқанд шаҳридан: «Биз Тошкентга келиб «Чинобод» санаторийида дам олаётган эдик. Бу ерда экстрасенс врач борлигини эшитиб, ўзини синиб қуришга аҳд қилдик. Эрим 9 йилдан бери ичкиликка ружу қўйиб келарди. Ўзим эса 16 йиллик кашандаман. Д. Раҳимовага, 12 марта учрашганимдан кейин иккаламиз ҳам бемаъни одатларни ташладик. Бу ажиб шифокордан беҳад хурсандимиз».

И. АЛНЕВА — Қозғистон ССР, Жамбул шаҳри: «Фараздиларим менга қўл йиллардан бери руҳий азоб берарди. Дилбархонга учрашувим бундай дардан холи бўлдим. Алланидай оғриқ юқорроқ кўтарилиб, ахшилик аломатидан дарак берди. Шифокордан ҳомиладор бўлганим аниқлашди. Бундай бахт учун шифокордан умр-бод қарздордими?»

Ўзининг сеҳрли олами, киши билмас мўъжизаси билан одамларга қувват ва рўшонилик улашайтган Дилбар Раҳимова истиқболи порлоқ қобилият эгалари сафида собит қилган ташлашига тилакдошимиз.

Х. НОСИРОВ.

Сирли олам

ҲАМ ТАШХИС, ҲАМ ДАВО



ҳаммада ҳам бор, аммо ҳар кимда турлича кўртак ёзаркан. Дилбар Раҳимова ҳам Тошкент олий илмгоҳини тудини олмай туролмайдиган дарсага қўшилди. Кишилар ўзларининг турли дардлари билан мурожаат этадилар. Агар мен уларга берафқ бўлсам дардим ортаверади.

Дилбар Раҳимова ана шу тарихи ғайритабиий қобилият касб этди. Тошкентдаги «Чинобод» санаторийида хизмат қилиб, маълум соатларда одамларни қабул қилмоқда. Хоҳарча кишилар турли касалликлардан фориғ бўлишмоқда. Бонси, шифокор рус-

са, бедаво хасталиклардан ҳисобланган жигар фаолиятини созлаш, одам танасининг турли ерларидан кутилмаганда содир бўлган безлар бартарат этишининг сеҳри бордек. Болаларда кўпроқ учрайдиган жигар куртидан мусофҳо этиш ҳам шунлар жумласидандир.

Аёлларга хос хасталикларнинг бартарат этилаётганини ҳам кўпчиликини қувонтирмоқда. Чунончи, беш йилгача фараздиларимдан қийналган аёлларга севиниб бахш этиши ёки бачадони ўрнига қўтариб қўйишдек тиббиётда қадрланадиган муолажага ҳам эришилди. Ундан ташқа-

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҚИСКА ТАЪЛИМ МУДДАТИДА ЯНГИ ИХТИСОС ЭГАЛЛАШНИ ИСТАЙДИГАНЛАР УЧУН

ССЖИ Статистика давлат комитетининг иқтисодий ахборотлари ҳисобга олиш ва уларнинг статистикаси ҳақида бу ахборотларга маълумлаш ишлов бериш соҳасидаги тармоқларга раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш институтининг

ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ ҚУЛЛИЕТИ қуйидаги ихтисослар бўйича малака бериш билан мутахассисларни қайта тайёрлаш учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— статистика,
— барча халқ хўжалиги тармоқлари учун кенг қамровли иқтисодчилар,
— халқ хўжалиги, шунингдек, ширкатлар, кичик корхоналар, акционерлик жамиятлари қўшма корхоналар ва ҳақозолар учун ташқи иқтисодий фаолият иқтисодчи ташкилотлари.

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ:

қундузги бўлимда — 7 ой;
кечки бўлимда — 10 ой;
сиртки бўлимда 15 ой.

Машгулотларни Халқ таълими давлат комитети томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича институтнинг профессор-ўқитувчилари ва жумҳурият халқ хўжалиги тегинли тармоқларининг етакчи мутахассислари давлат нархларида олиб борадилар.

Куллиётга олинган аниқлағич асосида сўхбатдан ўтган олий, ўрта махсус ва ўрта маълумотли шахслар қабул қилинади.

Негизий таълимга мувофиқ куллиётни битирганларга белгиланган намунадаги диплом ва гувоҳномалар (малака берилган ҳолда) беради.

Бошқа шахардан келган тингловчиларга меҳмонхона йўсинида жиҳозланган кўлай ётоқхонадан жой берилади.

МАШҒУЛОТЛАР:

қундузги бўлимда — 1991 йил 2 сентябрдан;
сиртки бўлимда — 1 даврада — 1991 йил 1 февралдан, 2-даврада — 2-сентябрдан

БОШЛАНАДИ

Манзилимиз: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 42-уй (Черкасская кўчаси томонидан).

Телефонлар: директор 67-19-03, 67-24-61; директор куйлари, рус тили, оркестр дирижёрлиги (2); 24-62; деканат — 67-84-58.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича бўш лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессор: Ўзбек адабиети;
мудир: социализм назарияси;
доцентлар: фортепиано, маданият назарияси, эстетика, ва этика (0,5), маданият-оқартув ишлари услубиёти, халқ куйлари, рус тили, оркестр дирижёрлиги (2),
катта ўқитувчилар: оммавий байрамлар ва халқ ижодиётини ташкил қилиш режиссураси (3), Ўзбек адабиёти, маданият-оқартув ишлари услубиёти, пуфлаб чалинадиган асбоблар, болалар адабиёти ва болалар билан олиб бориладиган кутубхона ишлари;
ўқитувчилар: маданият-оқартув ишлари услубиёти (7).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700164, Тошкент шаҳри, Високвольт даҳаси, 3-мавзе, 127 «а»-уй. Телефонлар: 62-04-64, 62-03-23.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОИИДА

29, 30, 31 январь соат 19.00 да 1, 2, 3 февраль соат 16.00 ва 19.30 да ЯНГИ ПРОГРАММА

«Ҳазил — 3»

ҲАЖИВА ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУХАММАДХУҲАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурад АЗИЗОВ ва бошқалар.

Сахналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Абдурашид ҲАЖИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

Ҳажов буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Дош маҳсулотлари ваазирлиги коллецияси, партия ва касба уюшмаси комитетлари ваазирлигини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ДЕҲЛИ. Жавоҳарлал Неру хотира-соврини учун ўтказилган халқаро мусобадада СССР терма командаси бир галаба ва дурагдан кейин мағлубиятга учради. Футболчиларимиз Руминия командасидан (1-4) енгилди.

● САМАРҚАНД. Вилоят биринчилиги учун ўтказилган мусобадада 16 команда иштирок этди. Бир неча кун давом этган баҳсда «Пиневиқ» футболчилари 22 та очко тўлаб, муваффақият қозондилар.

СПОРТПРОГНОЗ

● Махсус «С-13» тиражнинг ватияжлари маълум бўлди: 1-2, 2-2, 3-1, 4-Х, 5-2, 6-1, 7-Х, 8-1, 9-2, 10-2, 11-2, 12-Х, 13-2.

Эслатма: биринчи рақам командалар жуфтлиги, иккинчи рақам ўйинлар натижаси.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат (ЎзТАГ).

СПОРТЛОТО

● 13 январь куни ўйналган иккинчи тираж яқунлари чиқарилади. Ўзбекистон республика «Спортлото» корпорацияси бўйича ютуқлар қуйидагича бўлди.

«45 дан 6»: жами 73977 та вариант тушди. Шу жумладан 10 тиражлик билет бўйича 5816 та вариант бўлди, 6 та ва 5 та ютуқдан рақамлар йўқ, 4 та ютуқли рақам бўйича 102 киши 151 сўм, 3 та рақам бўйича 110 киши 3 сўмдан пул олади.

«36 дан 5»: жами 852533 та вариант тушди. Ютуқли 5 та рақамини топганлар бўлмади, 4 таси бўйича 224 киши 209 сўм, 3 таси бўйича 7893 киши 10 сўмдан олади.

Ютуқларни 2 февралдан 2 мартгача олиш мумкин.



Суратда: рассом-либосчи Кан Ми Ок (ўнгда) ва мусиқачи Ким Хен Бок янги либосни кўздан кечиряпти.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат (ЎзТАГ).

• Турли касб эгалари КОСИБ

Шодмонқул Абдуқалиев 65 баҳорни қаршилади. Қарий 30 йилдан бери баҳам район меҳнаткашларига хосиз хизмат қилиб келаяпти. Шодмонқул ака шу йиллар мобайнида севиниб касби — косибчиликни эъзолади ва қадр топди. Уни район маъшии хизмат курсати ташкилотининг учинчи пойабзал созлаш дўконида ҳамisha хайрли меҳнати устида учраши мумкин.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш, деган гаплар бўляпти. Эсимни танибманки, одамлар ўзларининг оёқ кийимларини бутун, созланган ва кўрмилли бўлиши ҳақида қўйирадилар. Энди ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳақида бахшлашга ўрин қолмади, чоғи. Бундан буён оддий пойабзаллар ҳам танқисликка учраса, бизнинг юмушимизда тегин ҳам ортадиган кўринади. Балки, аксинча бўлар. Буниси гумонроқ. Чунки одамлар нархи баланд молани асраб, авайлаши турган гап. Ҳозирча кишилар Кўконда ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар сифатидан нолиб туришибди. Вақти келиб, бу ҳам холева бўлиб қоладиган кўринади.

Тахрирбали косиб Шодмонқул аканинг гапларида жон бор. Умуман, меҳнаткашларга маъшии хизмат кўрсатиш шохобчаларида ишлаётганлар учун қулай шарт-шароитлар

С. АҲМЕДОВ, «Совет Ўзбекистони» жамоати мухбири.

• ЛУҚМА БИЗДА НИМА АЙБ?

Ов таштини нишонча беҳато урган бўлади. Винобарин, овчилик она табиятга меҳр уйғотганда, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини яхшироқ билнишга имкон беради. Зеро, ов мавсуми хазирги пайтда биз учун қимматга тўшмоқда. Бонси, айни пайтда фарғоналик овчилар севинди машгулотларидан маҳрум бўлиб туришибди. Бунга водийда юз берган ўша ноҳуш воқеа сабаб. Кишилар қўлидаги рўйхатта олинган ва руҳсати бор овчилик қуроллари ҳам олиб қўйилган. Ваҳолонки, ўтган йилнинг май ва июнь ҳодисаларида овчилар жамиятининг биронта ҳам аъзоси қатнашмаган эди.

Мамлакат Президентининг Фармонида мувофиқ норасий тўдаларга тегин-

ли ва ғайриқонуний тарзда сақланаётган қуроллар, йиғинчилик олинган. Албатта, милятлараро муносабатлар зарарсиз турган бир пайтда бу чорани тўғри ва адолатли, деб ўйлайман. Аммо, 30—40 йиллаб овчилик жамиятига аъзо бўлиб юрган ва аъволлик бадалларини мунтазам, тўлаб келадиган кишиларнинг айби нима? Бизнингча, ов милтигининг елдасига осган кишиларнинг маъсулоти оширилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Фарғона вилоятидаги миңглаб овчилар бу масаланинг адолатли ҳал этилишини истайдилар.

Т. УБАЙДУЛЛАЕВ, Фарғона вилояти овчилар жамиятининг раиси, истеъфодаги илчиция полковниги.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ. Рўнома таҳрир ҳайъати: Х. ИҚРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУХАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУХСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРАМатов, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУҲАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИҚМАТОВ.

БУЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-